ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил 24 август Шанба

№ 131 (14.806).

Баҳоси 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيز موشترى !

Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

УЙИНГИЗДАН НОН АРИМАСИН

Аслида бу сурат 20 август, сешанба куни чиқиши, муҳаррирлар тили билан айтганда, «биринчи саҳифани очиши» керак эди. Афсуски, бунинг иложи бўлмади. Нега эканлигини эса... яхши биласиз.

Суратга қараб туриб, балки қизиқиб қолгандирсиз: «бу истараси иссиқ аёл ким бўлди» деб. Бажонидил таништирамиз. Опахонимиз Қарши шаҳридан. Чорак асрдан буён 23-мактабда ўқувчиларга сабоқ берадилар. Шунинг учун ҳам у кишини, икки-уч чақирим нари-бериси билан, ҳамма танийди. Муҳаббат Охунова қаерда яшайдилар, деб сўрасангиз кифоя. У ёғига Муҳаббат опа турадиган хонадонга қандай бориб қолганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Йўл кўрсатувчилар истаганча топилади.

Дарвоқе, у яшаётган коттеж жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг ўқитувчилар ижтимоий аҳволини яхшилаш тўғрисидаги Фармонидан кейин Муҳаббат Охуновага хусусий мулк сифатида хатлаб берилди. Шу ўринда ҳозирнинг ўзидаёқ вилоят марказида яшовчи 170 муаллим шундай имтиёзга эга бўлганлигини таъкидлашимиз жоиз. Яна 400 ўқитувчи ҳужжатларини тайёрламоқда.

СУРАТДА: Муҳаббат опа Охунова. У гўё бизга қараб, «хонадонингиздан тинчлик ва нон аримасин» демоқда.

Сураткаш: Ш. ШАРОПОВ. (ЎзТАГ).

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармони

ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИНГ ҒАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бир гуруҳ фитначилар давлат тўнтариши қилиш мақсадида 19 августга ўтар кечаси ҳокимиятни босиб олдилар. Россия раҳбариятининг қатъий ҳаракатлари, бошқа жумҳуриятларнинг принципиал позицияси, москваликлар, ленинградликларнинг, бошқа минтақалар аҳолисининг демократияни ва конституциявий тартибни ҳимоя қилиб чиқишлари туфайли бу жиноят даф қилинди. Фитачилар армияни халққа қарши юборишга муваффақ бўла олмадилар.

Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси деб аталган қўмита диктаторлик тартибларини ўрнатиш ва мамлакатни демократик ислоҳотлар йўлидан қайтариш мақсадида бир қанча ҳужжатлар чиқарди.

Фитнанинг барча оқибатларини тугатиш ва айбдорларни жазолаш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Ушбу фармон билан қарор қиламан:

1. Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси ёки унинг айрим аъзолари чиқарган барча қарорлар бекор қилинсин.

2. Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг барча аъзолари эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилсин.

3. СССР Бош прокурори фитнада қатнашган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатганлиги ва тергов ССР Иттифоқи ҳамда РСФСРнинг мўътабар органлари билан биргаликда олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 август.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ СОВЕТ ТЕЛЕКЎРСАТУВИ ОРҚАЛИ 1991 ЙИЛ 22 АВГУСТДАГИ БАЁНОТИ

Азиз ватандошлар. Ҳозир мен сизларнинг ҳузурингизда шундай бир пайтда гапираяпманки, энди давлат тўнтариши барбод бўлганини тўла асос билан айта оламан. Фитначилар янглишдилар. Улар энг муҳимини — мана шу, жуда қийин йилларда ҳам халқ бошқача бўлиб қолганини фаҳмлай олмадилар. Халқ озодлик ҳавосидан нафас ола бошлади ва энди буни ҳеч ким ундан тортиб ололмайди.

Давлат манфаатларига зид бориб, демократияга қасд қилган, тоталитар режимни тиклашга уринган жиноятчилар халқнинг қаҳр-ғазабига учрадилар. Улар энг даҳшатли иш қилишга — армияни халққа қарши юборишга уриндилар. Аммо улар бунинг ҳам уддасидан чиқа олмадилар. Кўпгина командирлар, офицерлар, кўпчилик аскарлар, бутун-бутун қисмлар ва қўшилмалар уларнинг буйруқларини бажаришдан бош тортдилар. Қасамёдга содиқ бўлиб қолдилар, демократиянинг жасур ҳимоячилари ёнига ўтдилар.

18 август куни тўрт нафар фитначи Қримга — менинг ёнимга бориб, ё лавозимдан воз кечишни ёки ўз ваколатларимни ихтиёрий топширишни ёхуд фавқулодда ҳолат тўғрисидаги фармонга имзо қўйишни мендан қатъий талаб қилганларида ўшанда мен уларга — сизлар авантюрачи ва жиноятчиларсиз, сизлар ўзларингизни ҳалок қиласизлар ва халққа даҳшатли зиён етказасизлар, барибир сизларнинг айтганингиз асло бўлмайди, дедим. Энди халқ сизларнинг диктатурангизга, шу йиллар давомида курашиб қўлга киритилган ҳамма ютуқлардан маҳрум бўлишга рози бўлмайди, дедим. Эс-ҳушингизни йиғиб олинглар, фуқаролар уруши чиқиши, беҳисоб қон тўкилиши мумкин, бунинг учун жавоб берасизлар, дедим. Мен уларнинг ҳамма талабларини рад қилдим. Шунда улар мен дам олаётган уйни денгиздан ҳам, қуруқликдан ҳам қўшинлар билан қуршаб қўйишди, руҳий тазйиқ ўтказмоқчи бўлишди, ҳар бир қадамимни кузатиб туришди, ташқи дунёдан бутунлай яккалаб қўйишди.

Чамаси улар президентни руҳий жиҳатдан ҳолдан тойдириш вазифасини кўзлаган эдилар.

Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси деб аталган ташкилотнинг журналистлар билан учрашуви мазмуни менга маълум бўлган пайтда мен буни айниқса яхши тушуниб олдим. Улар менинг гўё президент вазифасини бажариш имконияти йўқ, деб эълон қилганларида, бунинг устига улар яқин вақт ичида бу хусусда тиббий хулоса тақдим этишни ваъда қилганларида буни айниқса яхши англаб олдим.

Демак, вазифа шундан иборат эдики, башарти ҳақиқий аҳвол уларнинг баёнотларига тўғри келмаса, яъни президентнинг ҳолати бошқача бўлса, уни ҳар қандай усул билан жисмоний ва руҳий жиҳатдан бутунлай ҳолдан тойдириб, шундай ҳолатга келтирици керак эди. Мамлакатда нималар бўлаётганини 72 соат мобайнида билмадим.

Фитна барбод қилинди, авантюрачилар қамоққа олинди ва қаттиқ жазоланади. Аммо шу орада қон тўкилди. Озодлик ҳимоячилари қурбон бўлдилар. Мен

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

22 август куни Москвада СССР Президенти М. С. Горбачев журналистлар билан суҳбат ўтказди. У журналистларга мурожаат этиб, жумладан бундай деди. Содир бўлган воқеалар ҳеч қачон такрорланмаслигини ва журналистлар билан бундай қабилдаги суҳбатлар бўлмаслигини ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хоҳлайман. «1985 йилдан кейин жамиятимизни ислоҳ қилиш билан ўтган ҳамма йиллар мобайнида биз энг қийин синовдан ўтдик. Биз раҳбариятнинг марказида бўлган, Президентнинг ёнида турган реакцион кучлар уюштирган, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўтакетган ғайриконституциявий тўнтаришга дуч келдик. Мен ўзим юқори лавозимларга кўтарган, ишонган кишилар Президентга қарши, конституциявий тузумга қарши, қайта қуришга қарши, халққа қарши, демократияга қарши фитнанинг қатнашчиларигина эмас, ҳатто ташкилотчилари ҳам бўлиб чиқдилар».

СССР Президенти Қримдаги воқеалар қандай ривожланганини журналистларга батафсил гапириб берди, ўз нуқтаи назарини айтди. М. С. Горбачев журналистларнинг шу кунларда Россия Президенти қабул қилган фармонларга муносабатингиз қандай, деган саволларига жавоб қайтариб, россияликлар олий манфаатларга асосланиб ҳаракат қилдилар ва улар қабул этган ҳужжатларни вазиятнинг ўзи тақозо қилди, деди.

Фитнани бостиришда РСФСР Президенти катта роль ўйнади, деб таъкидлади у. «Биз кейинги ойларда ва шу кунларда Борис Ельцин билан бизнинг тотувлигимиз ва ҳамкорлигимиз ҳамма демократик кучларни барча жумҳуриятлар билан бирлаштирувчи доимий омил бўлиб қолиши учун у билан бирга ҳамма ишларни қилаяпмиз. Энг муҳими — мана шу», — деди шўро раҳбари. Шу муносабат билан СССР Президенти қуйидагиларни таъкидлади: «Жуда кўп кишилар бу ҳамкорликни барбод қилишга ҳар қандай йўллар билан яна уринишни хоҳлайдилар. Ҳаддан ташқари кўп ҳар хил туҳмат ёғдирилмоқда. Аммо вазият бизни чиниқтирди ва ким қандайлигини биламиз».

М. С. Горбачев содир бўлган воқеалардан СССР Президенти қандай сабоқлар чиқариб олди деган саволга жавоб қайтарар экан, бундай деди: «Ҳамма ислоҳотларни қатъият билан олға силжитиш ва кучларни қайта гуруҳлаштириб олиш лозим. Бу иш билан дарҳол шуғулланиш керак. Чунки баҳамжиҳат ҳаракат қилинмаса, биз ислоҳотларни илгари силжита олмаймиз».

КПССнинг жамиятдаги ролига тўхталиб, М. С. Горбачев реакцион кучларни КПССдан ҳайдаб чиқаришни ва унинг сафларидаги жамики яхши кучларни янги дастур асосида бирлаштиришни ўз бурчи деб билишини таъкидлади. Ислоҳ қилинган партия қайта қуришнинг жонли кучи бўлиб қолиши учун биз ҳамма ишни қилишимиз лозим, — деб таъкидлади у.

(ТАСС мухбири).

Шу сонга хабар

СССР ПРЕЗИДЕНТИ АППАРАТИНИНГ РАҲБАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг 1991 йил 22 августдаги фармойишига биноан Григорий Иванович Ревенко СССР Президенти аппаратининг раҳбари этиб тайинланди. В. И. Болдин бу вазифани бажаришдан озод қилинди.

(ТАСС).

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК

СССР журналистлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари В. Сухомлинов шу оғир кунларда ўз бурчларини муносиб бажарган ва фитна амалга ошмай қолишига ёрдам берган мамлакатнинг барча ҳалол журналистларига миннатдорчилик билдирди.

(ТАСС).

ЖАНГЧИНИ ЕДГА ОЛИБ

Комилжон ҳаёт бўлганда 27 ёшни қаршиларди... «Афғон» уруши уни ота-онаси бағридан юлиб олди. Қайтиб бермади...

Яқинда Қўқон шаҳар комсомол қўмитасининг ташаббуси билан байналмилал жангчи Комилжон Иброҳимов хотирасига бағишланган шахмат турнири бўлиб ўтди. Мусобақага Комилжон меҳнат қилган Қўқон тўқимачилик машинасозлиги заводи ҳомийлик қилди.

Биринчи ўринни пойафзал фабрикаси ишчиси Аҳрор Муҳиддинов эгаллади ва рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган Акбар Афзалов холодильник, учинчи ўрин насиб этган Шуҳрат Узоқбоев чангютар билан мукофотландилар. Турнирнинг энг ёш иштирокчиси 9 ёшли Нодир Раимқуловга ҳам совға тегди.

Совғаларни Комилжоннинг отаси Абдулатиф ота Иброҳимов топширди.

БИОЭНЕРГИЯ ЎЛЧАНАДИ

Пойтахтимизнинг Фрунзе ноҳия ижроқўми ҳисобида турувчи «Мерос» кичик корхонасида инсон биоэнергиясини ўлчайдиган янги лаборатория ишга тушди. Лабораторияга Тошкент алоқа-электротехника олий билимгоҳи ходими Шокиржон Тожибоев раҳбарлик қилмоқда. Бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай киши ўз танасидаги биоэнергия кучини ўлчатишдан ташқари, танасидаги баъзи касалликларга аниқ ташхис ҳам қўйдириши мумкин.

Танасидаги биоэнергиясини ўлчатишга қизиққан барча кишилар лабораторияга таклиф қилинадилар.

Лаборатория манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, М. Ан кўчаси, 9-уй.

Н. АКРОМОВ.

ИЛК ҚАДАМ

Уткир Холмат бобонинг кенжатойи. Мирзачўлда туғилиб, шу ерда катта бўлган. Отаси қирқ тўққизинчи йили ёш оиласи билан Бахмал ноҳиясининг Новқа қишлоғидан чўлга келганида тўнғичи Синдор чақалоқ эди. Бугун ана шу «чақалоқ» Меҳнатобод ноҳияси ижроқўми раиси, пахтакордан чиққан раҳбар. Ука-сингиллари ҳам пахтакор. Холмат бобо Меҳнатободнинг тамал тошини қўйганлардан.Чўлдаги хўжаликнинг ташкил этилишида, уларнинг «оёқ»ка туришида меҳнати кўп сингган.

Йил бошида Уткир Норчаев давлат хўжалиги билан шартнома тузиб, беш йил муддатга ер, сув, ўғит ва техника олди. Шартномада унга 383 гектар ер ажратилганлиги кўрсатилган. «Бахмал» деб номланган бу корхонага ёшлар кела бошлашди. Ишнинг бошида кекса деҳқон Холмат Норчаев турди. Кенжатой фермер ўткир чиқиб қолди — агросаноат банкида ҳисоб очириб, давлатдан 200 минг сўм қарз олди. Ана шу маблағнинг 97 минг сўмига техника воситалари сотиб олишди. Илгариги Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳининг агроном мутахассислиги бўйича битириб келган Уткирнинг ишини кўпчилик маъқуллади. У билан ўн йил бир синфда ўқиган синфдошлари — Ҳасан ва Ҳусан Абдиевлар, Қаҳрамон Асанов, Суюн Ўролов, Ҳусан Йўлдошевлар кичик корхонага ишга келдилар.

«Страна Советов» давлат хўжалиги раҳбарияти билан «Бахмал» кичик корхонаси кенгаши ҳамкорликда тузган шартномага шу йил 5 январда имзо чекилди.

— Мана шу — бироз намланган тупроқ, таркиби яхшиланган ерларни икки йил бурун отам ижарага олувдилар, — дейди Уткир. — 200 гектарча ерда полиз маҳсулотлари етиштирдик. Юз бош қорамол олдик. Ижара самара бергач, одамлар чўнтаги пул кўра бошлади. Икки йил бадалида бу усулнинг деҳқон учун қулай эканлигини анча тушуниб қолдим. Кейинги йили бир фикр туғилиб қолди. «Бахмал» корхонасини очдик. Отамнинг ёши етмишга боряпти, лекин ишлаб чарчамайдилар, чўл «тилини» беш қўлдай билишади. «Мен йўл-йўриқ кўрсатиб тураман, сен бош бўласан, кенжатой» деб мени кичик корхонанинг раиси қилиб сайлашди. Қирққа яқин ишчимизнинг ҳаммаси ёш. Майдонимиз катта, бригадалар тузишни маъқул кўрдик. Сотиб олинган техникалар янги. Шароитимиз яхши. 238 гектар ерга чигит экдик, 74 гектар майдонда бедамиз бор. 25 гектарда полиз маҳсулотлари, 2 гектарда пиёз етиштиряпмиз.

Кичик корхонамизни бир йил ичида ҳақиқий фермер хўжалигига айлантирамиз. Мустақиллик кўп нарса беряпти. Бозордан 15 бош зотли қорамол сотиб олдик. Емхашагимиз етарли. 30 бош молга мўлжаллаб молхона қурдиряпмиз.

Ёш фермернинг режалари кўп. Имконияти ҳам.

Убайдулла СИРОЖОВ,
Меҳнатобод ноҳиясидаги «Страна Советов» давлат хўжалиги.

Ўзбекистон—Ҳиндистон дўстлиги

ТОЖМАҲАЛ БИЛАН ТАНИШУВ

Ҳиндистон кўҳна обидаларга бой. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов бошлиқ жумҳурият ҳукумат делегация аъзолари Деҳлидаги шоҳларнинг қадимий қароргоҳи Қизил Форт, Қутуб Минордаги гўзал обидаларни бориб кўрдилар. Саройлар, осмонўпар миноралар, хуллас, ҳар бир ёдгорлик қадимий ҳинд усталарининг бетакрор маҳоратини кўз-кўз қилиб турибди.

Айниқса, Ҳиндистоннинг қадимий пойтахти Аграда, Жамна дарёси соҳилида жойлашган Тожмаҳал мақбараси ва унинг атрофидаги ёдгорликларни ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайди. Бу тенгсиз гўзал обидаларни кўриш учун ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан минглаб одамлар келади. Оқ мармардан бунёд этилиб, «Дунё марвариди» деб ном олган бу мақбарани кўришни биз ҳам орзу қилиб юрардик. Ана шу ниятимиз ушалди. Ёмғир шовуллаб ёғиб туришига қарамай, аждодларимиз қўли билан барпо қилинган ёдгорликларни чексиз меҳр билан зиёрат қилдик.

Бобурийлар даврининг энг гўзал обидаси ҳақида биз нималар биламиз? Тарихдан маълумки, Акбаршоҳнинг набираси Шоҳжаҳон (1626—1666 йиллар) ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳал шу ерга дафн этилган. Айтишларича, Мумтоз Маҳал (асли исми Орзуманд Бону Бегим) Ҳиндистоннинг энг гўзал аёлларидан бири бўлган. Шоҳжаҳон уни чин дилдан севган. Император Жанубий Ҳиндистон бўйлаб қилган сафарларининг бирида Орзуманд Бону Бегимни ўзи билан бирга олиб кетади. Йўлда малика бетобланади ва умри тугаётганлигига кўзи етиб, эрини ҳузурига чорлайди. Шоҳжаҳонга бошқага уйланмасликни, ўзи учун тенгсиз бир гўзал ва салобатли мақбара бунёд этишни ҳамда мазкур обида иккаласи ўртасидаги соф, мустаҳкам севгидан далолат бериб туришини васият қилиб жон беради.

Ушанда Шоҳжаҳон кўзларида ёш билан хотинига сўз беради. Бу воқеа 1630 йилга тўғри келади. Маликани вақтинча жони узилган жойга дафн этадилар. Бироздан сўнг эса Аграга, Жамна дарёси соҳилига қабрини кўчирадилар. Шоҳжаҳон энг моҳир меъморларни йиғиб, бутун куч-ғайратини мақбарани бунёд этишга қаратади. У барча меъморларни бир жойга тўплаб: «Шундай бино бунёд этингки, у маликадек нозик, маликадек гўзал, севгимиз каби мангу бўлсин», дейди.

Тожмаҳалнинг лойиҳасини чизган, асл меъмор тўғрисида ҳам халқ орасида ҳар хил фикрлар юради. Баъзилар унинг ҳақиқий меъмори Шоҳжаҳоннинг ўзи, дейишади. Чунки мақбарани барпо этишга киришишдан олдин император Бухоро ва Самарқанддан ҳам анчагина меъморларни ҳузурига чорлагани ҳақида маълумотлар бор. Ана шу халқ усталарининг лойиҳалари ва подшонинг фикри асосида Тожмаҳал дунёга келган бўлса, ажаб эмас. Чунки унда Бухоронинг азим миноралари ва Самарқандининг салобатли гумбазлари бу ердаги иншоотларда акс этгандек кўринади.

Усталар бор маҳоратларини ишга солиб, Тожмаҳални 22 йил ичида қурганлар. Аниқ-

2 • БЕТГА КАРАНГ

Таҳририятга хат келди

Чинорнинг илдизи бақувватми?

Давр ўзгармоқда. Одамлар ҳам. Жамиятимизда эса сиёсий курашлар давом этмоқда. Ҳар бир миллат ўзлигини намоён этадиган замон келди. Сукут сақлаб ўтирадиган пайтлар ўтди. Миллатнинг бахтини, келажагини ўйлайдиган ҳукумат раҳбарлари учун айни фурсат келди. Буни биз пойтахтимизда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон президентларининг учрашувидан ҳам билсак бўлади. Буюк Туркистон ўзлигини англамоқда. Бешта баҳайбат шоҳли ям-яшил чинор устида порлаб турган қуёш учрашувнинг рамзига айланди. Зора бу қутлуғ ишлардан сўнг турмушимиз яхшиланиб кетса. Айтинг-айтинг беш баҳайбат шоҳли чинорнинг умри боқий, илдизи бақувват бўлсин.

Инсон зоти ақлини танибдики, яхши яшаш учун курашиб келади. Фаровон турмушнинг эса ўзи бўлмайди. Айниқса, ҳозирги бизнинг, камёблик ҳукм сураётган замонимизда.

Таҳририятимиз почтасига келаётган қайси бир мактубни варақламайлик, муаллифларнинг нолишларга тўла сатрларига кўзингиз тушади. Турмуш кечириш оғирлашиб бораётгани, бола-чақаларини едириб ичириш қийинлашаётганини зорланиб ёзишади.

«— Мен Сирдарё вилоятининг Ховос ноҳиясидаги «Ховос» асаларичилик хўжалигида тракторчи бўлиб ишлайман — деб ёзади **Худоёр ТОШМАТОВ.** — Апрель ойидан октябргача ташкилотимизда иш йўқ. Меҳнатимиз эса мавсумий. 80-90 сўм атрофида ҳақ оламиз. Бундай маош билан оила тебратиш оғирлигини раҳбарларимиз тушунишмайди».

Ушбу мактубни ўрганиб чиқиш учун Ховос ноҳияси ижроқўмига юборгандик. Ижроқўм раҳбарлари шикоят хатидаги камчиликларни бартараф этибди. Яқинда Х. Тошматовдан таҳририятимизга миннатдорчилик хати келди. Унда шундай сатрлар битилган. «...Иш ҳақим оширилди. Хўжалик раҳбарлари тракторим учун эҳтиёт қисмларни ўз вақтида беряпти. Раҳмат сизларга». Тўғриси бундай мактубларни ўқиб қувонамиз. Ҳаракатларимиз зое кетмаганидан, ёрдамимиз текканидан хурсанд бўламиз.

Дунёда шундай пасткаш одамлар бўладики, улар ўз мақсадларига эришиш учун бировлар номидан турли ташкилотларга шикоят хатлари битишади. Бундайларни халқимиз қора юрак кимсалар дейишади. Бировлар номидан шикоятлар ёзиб, қанчалаб ташкилотлар ходимларининг овора-ю-сарсон бўлишини томоша қилишади. Одамларнинг қимматли вақтларини ўғирлаганликларидан лаззатланишади. Аммо қора ниятли кимсалар ўзларининг бузуқ ниятларига эриша олмайди. Фақат ҳалол кишиларнинг асабларини бузгани қолади.

Таҳририятимизга яқинда **Деҳқонов** деган кимсадан шикоят келди. Хат муаллифи ўзини Вобкент **ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида** яшовчи қилиб кўрсатган.

«Жамоа хўжалигимизда колхозчилар учун дам олиш шароитлари йўқ. Оилаларга хўжалик раҳбарлари мажбурлаб ипак қуртини бераяпти», — деб ёзилган шикоят хатида.

Ушбу шикоят хатини ўрганиб чиққан Вобкент ноҳияси ижроқўмидагилар таҳририятимизга қуйидагича жавоб йўллашган. «Шикоятдаги далиллар ўз исботини топмади. Деҳқонов деган шахс хўжалигимизда яшамайди».

Ошкоралик даври, агар жойларда камчиликлар юз берса очиқ-ойдин ёзиш керак. Исм ва фамилияни қўйиб. Ана шундагина муаммолар бартараф этилади. Бировларнинг номи билан иш кўриб, юмалоқ хатлар битиш инсофсиз кимсаларнинг ишидир.

Рўзномамизда чоп этилган баъзи мақолаларга эътирозли мактублар ҳам келиб туради. «Биз ҳақимизда, — деб ёзади **ғаллаороллик ўқитувчилар Ф. Жабборов билан М. Эсоновлар,** — рўзноманинг 1991 йил 17-19 апрель сонларида С. Исҳоқ ва Х. Абдусаломнинг «Навбатдаги фожеани кутманг» мақоласи босилди. Икки муаллиф бизларга нисбатан туҳмат ғапларни ёзди. Хайриятки қайта тергов давомида бизларга қўйилган айблар ўз тасдиғини топмади. Ҳақиқат ғолиб чиқди.

Нуфузли рўзнома орқали туҳмат қилган муаллифлар бизлардан узр сўрашсин».

Ҳар бир ташкилотнинг халқ олдида қиладиган юмуши бор. Лекин кўпчилик муштарийларимиз буни билишмайди шекилли. Яқинда **Андижон ноҳиясининг Охунбобоев номли давлат хўжалигидаги Қоратут маҳалласида яшовчи аҳолидан** шикоят хати олдик. Унда шундай дейилган: «Бундан ўн йил олдин маҳалламизга ҳашар йўли билан трубаларда сув келтиргандик. Энди трубалар яроқсиз бўлиб қолди. Кранлардан тўхтовсиз сув келишини таъминлайдиган берсаларингиз. Илтимосимиз қондирилмаса юқори ташкилотларга хабар берамиз».

Маҳалла аҳлининг талаби тўғри. У ерда яшовчилар ҳам тоза сув ичишга ҳақли. Аммо таҳририятимиз труба ўтказадиган ёки аҳолини сув билан таъминлайдиган ташкилот эмас. Андижон ноҳиясида бевосита юқорида тилга олинган муаммоларни ҳал қиладиган ташкилотлар бордир ахир.

Баъзи шикоятчилар «аризам ижобий ҳал қилинмаса устингиздан юқори ташкилотларга арз қиламан» деб ёзишади. Жамоамизнинг жумҳуриятимизда ҳеч бир ташкилотдан тили қисиқ жойи йўқ. Бу сўзларни ҳамма жойда айтганмиз ва айтамиз. Ниятимиз битта — халқни адолат ва ҳақиқат учун курашга чорлаш, умид билан ёрдам сўраб мактуб битган ҳар бир муштарийга имкон қадар ёрдам бериш.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.

Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлиги

ТОЖМАҲАЛ БИЛАН ТАНИШУВ

(Боши 1-бетда).

роғи, 1632 йилдан бошлаб, 1653 йилда тугаллашган. Расмий маълумотларга кўра, қурилишга 30 миллиондан ортиқ рупий маблағ сарфланган. Бунёдкорлик ишларида ҳар йили 20 минг киши иштирок этган. Кунига 2 минг туя, мингдан зиёд қўтос юк ташиш билан банд бўлган. Ноёб обидани бунёд этиш учун фақат Ҳиндистондангина эмас, балки Боғдоддан, Тибитдан, ҳатто Россиядан ҳам қимматбаҳо тошлар келтирилган.

Тожмаҳалга ишлатилган мармарлар шу қадар нафис, шу қадар нозик ва кўркамки, кўриб кўзингиз тўймайди. Шоҳжаҳон ва унинг суюклиси малика Мумтоз Маҳал дафн этилган қабр ёнида йилнинг тўрт фаслида ҳам саноқсиз зиёратчиларни учратасиз. Ним қоронғи мақбарада узлуксиз тиловат ўқилаётгандек туюлади, кишига. Бу эса кишини беихтиёр сеҳрлайди.

Тожмаҳалнинг баландлиги 75 метр бўлиб, тепасида улкан гумбаз бор. Унинг тўрт бурчагида эса яна тўртта кичикроқ гумбазча. Миноралар мақбара ансамбли билан яхлит, бир бутунликни ташкил этади. Мақбара ортида бир пайтлар тўлиб-тошиб оққан Жамна дарёсининг қуриб бораётган ўзани.

Ҳиндистонни босиб олган инглиз мустамлакачилари Тожмаҳални кўриб чексиз ҳайратга тушишган. Улар ҳам ўзларининг меъморчилик соҳасидаги маҳоратларини кўрсатмоқчи бўлганлар ва 1901 йилда кексайиб Ҳиндистонда вафот этган қиролича Викторияга мақбара-мемориал қуришга қарор қилишган. Уни етти йилда қуриб битказишган. Бунёдкорлик ишларига 40 миллион рупий сарфлашган. Бироқ Калькуттада барпо этилган мазкур «XX аср Тожмаҳали» Аградаги гўзал обида билан тенглаша олмади.

Бу воқеаларни бизга шу ерлик йўл бошловчи сўзлаб бераркан, ҳамма Тожмаҳал меъморларига таъзим қилди. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов ёдгорлик комплекс маъмуриятига буюк бобомиз А. Навоий сурати акс эттирилган чинни лаганни совға қилди ва меҳмонларнинг хотира китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: **«Инсон қўли билан яратилган бу беқиёс бунёдкорликни кўриб, лол қолмасликнинг иложи йўқ. Тожмаҳалнинг улуғворлигига таҳсин ўқиб, ўзаро ҳамкорлик, маданий ва илмий алоқаларни бойитиш биз учун нақадар кераклигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади киши.**

Бу ажойиб ёдгорликнинг ижодкорлари олдида таъзим қилмоқ, уни асраш билан бирга жаҳон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамламоқ учун қўлимиздан келган ҳамма ишни бажаришимиз лозим.

Ўзбекистон жумҳурияти Президенти Ислом КАРИМОВ. 1991 йил, 19 август».

Биз Агра билан хайрлашиб, тайёрамиз она-Ватан сари парвоз қилаётганда ҳам хаёлимиз Тожмаҳалнинг гўзал қиёфаси оғушида эди...

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Деҳли — Агра — Тошкент.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов бошлиқ делегация аъзоларининг Тожмаҳал ёдгорликларини кўздан кечираётган пайтлари акс эттирилган.





ЯНГИ УСУЛДА ЎҚИТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Киров ноҳиясидаги В. В. Кузнецов номли 5-ўрта мактабда ҳамма нарса янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди. Биринчи сентябрь куни бу ерда мингдан кўпроқ ўқувчи машғулотга киришади.

— Бошланаётган ўқув йилининг алоҳида хусусиятларидан бири шундаки, ўзбек тили бизда группавий усулда ўқитилади, — дейди мактаб директори Т. М. Бобоева. — Олти гуруҳ тузилди, уларнинг ҳар бирида 15 нафар ўқувчи шуғулланади, махсус ўқув хоналари жиҳозланди. Ўқувчиларда ўзбек тилида амалий муомала қила билиш кўникмаларини ҳосил этишга алоҳида эътибор берилади. Турли қизиқарли ўйинлар, синфдан ташқари машғулотлар шу мақсадга хизмат қилади. Гуруҳларда тажрибали ўқитувчилар дарс берадилар. Улар билан ёнма-ён кечагина олий ўқув юртини битириб чиққан ёш мутахассислар ишлайди.

(ЎзТАГ мухбири).

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ СОВЕТ ТЕЛЕКЎРСАТУВИ ОРҚАЛИ 1991 ЙИЛ 22 АВГУСТДАГИ БАЁНОТИ

(Боши 1-бетда)

уларнинг оилаларига, қариндошлари ва ёр-биродарларига, дўстлари ва ҳамкасбларига астойдил ҳамдардлик изҳор этаман. Уларнинг номлари ҳалок бўлган жойлардаги хотира -лавҳаларида абадийлаштирилиши керак, мен ўз мавқеи, шахсий озодлигинигина эмас, кўпинча жонини ҳам гаровга қўйиб, конституциявий тузум ҳимоячилари, қонун ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг биринчи сафларида турган барча кишиларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Аввало мен фитнага ва диктатурага қаршилик марказида турган Россия Президенти Борис Николаевич Ельциннинг, Россия ҳукумати раиси Иван Степанович Силаевнинг, Россия вице-президенти Александр Владимирович Руцкойнинг, бошқа кўпгина снёсат ва жамоат арбобларининг, Россия федерацияси бутун Олий Кенгашининг, демократияни ҳимоя қилган москваликлар ва ленинградликларнинг жуда катта ролини қайд этишим керак. Мен журналистлар жуда кўпчилигининг, барча оммавий ахборот воситаларининг ўз демократик касб-кор бурчига астойдил содиқлигини таъкидламай ўта олмайман. Ана шу қийин дамларда улар қаерда ва ким билан бирга бўлишни хатосиз танлаб олдилар, қўрқмадилар, чўчимадилар, ҳокимият тепасига чиқиб олишга уринган кишилар олдида хушомад қилмадилар.

Фитнани барбод қилишда кўпчилик жумҳуриятларнинг президентлари ва раҳбарлари, Россия вилоятлари, маҳаллий Кенгашларнинг принципиал мавқеда турганликлари катта аҳамиятга эга бўлди. Улар қонунийлик ва ўз суверен ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қила олдилар.

Биз учун мана шу таҳликали кунларда Совет Иттифоқидаги демократияни ҳимоя қилган, мамлакатнинг қонуний раҳбариятини қўллаб-қувватлаган чет элларнинг халқлари ва ҳукуматларига миннатдорчилик изҳор этаман. Шу кунларда содир бўлган воқеаларни «ҳаммамиз учун катта сабоқ» десак камлик қилади. Бу — оғир сабоқ, даҳшатли сабоқдир. Бинобарин давлат қурилиши соҳасида ҳам, жумҳуриятлар ўртасидаги, фирқалар ва жамоат ҳаракатлари ўртасидаги муносабатларда, миллатлараро муносабатларда ва, албатта, иқтисодий сиёсатда, маънавий-ахлоқий соҳада ҳам зарур бўлган ҳамма хулосаларни чиқариб олмоқ керак.

Хўш, фитначилар нимага умид боғлаган эдилар? Улар халқ турмушнинг яхшиланишини кутавериб чарчади, танглик давом этмоқда, ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилгани йўқ, бозорлардаги аҳвол оғир, молиявий аҳвол ишдан чиққан, жиноятчилик ортиб бормоқда, деб мана шулардан фойдаланмоқчи бўлдилар. Одамлар бу аҳволга тоқат қилишни хоҳламаяптилар. Улар ҳақдирлар. Аммо фитначилар мана шу масалаларнинг ҳаммаси эркинлик, инсон ҳуқуқлари ҳисобига эмас, диктатура ва зўравонлик йўли билан эмас, балки қонуний тарзда, демократия доирасида ҳал этилишини истаётганлигини эътиборга олмадилар. Биз туб ислоҳотлар йўлидан янада жипслашиб ва илдамроқ боришимиз керак. Эртага мен тўққиз жумҳуриятнинг раҳбарлари билан учрашаман. Биз ҳаммамиз энг зарур чора-тадбирларни, яқин орадаги истиқболларни, ҳаракат қилиш усулларини, ҳамжиҳатлик йўлларини, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш усулларини муҳокама қиламиз, ҳаммасини пухта ўйлаб, чамалаб кўрамиз. Буни мамлакатга ва дунёга маълум қиламиз.

Фитна бошлиқларини жазолашдан ташқари тўнтаришга қаршилик қилиши мумкин бўлса ҳам, аммо қаршилик қилмай кутиб турувчилик позициясини эгаллаган, ҳатто жиноятчи фавқулодда ҳолат қўмитасига таъзим қилишга тайёр бўлиб турган мансабдор шахсларнинг ҳам хатти-ҳаракатларига баҳо беришни адолат туйғуси тақозо этади.

Ғайриқонуний тусда ҳаракат қилмаган кишиларни ҳам таъқиб этиш ҳақида гап бораётгани йўқ, албатта. Бироқ кимнинг қадр-қиммати нималигини жамоатчилик билиши керак. Шу масъулиятли пайтда ким ўзини қандай кўрсатди, унинг ҳақиқий қиёфаси қандай. Башарти, қонунни ҳимоя қилишга юраги дов бермаган кишилар ўзлари давлат лавозимларидан истеъфо беришлари маъқул, деб ҳисоблаган бўлур эдим.

Мен бундан буёнги ҳаракат режалари ҳақида жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан гаплашдим. Чамаси, яқин вақт ичида шартномани имзолашнинг янги куни белгиланади. Шундан кейин янги иттифоқ конституцияси, янги сайлов қонуни қабул қилинади, иттифоқ парламенти ва президенти сайланади. Бу ишни пайсалга солмай, белгиланган муддатларда ўтказиш керак, чунки ўтиш даврининг чўзилиши демократик ислоҳотлар учун хатарли эканини кўриб турибмиз. Давлат хавфсизлиги тизими унчалик пухта бўлиб чиқмаганлигидан муносиб хулосалар чиқариш керак. Бу масалалар жуда пухта ўйлаб, ишлаб чиқилиши лозим, улар билан ҳам яқин вақт ичида шуғулланиш керак.

Бўлиб ўтган ҳамма воқеалар хусусида президент сифатида қаттиқ ташвишланяпман. Шундай воқеа содир бўлмаслиги учун ҳамма ишни қилмаганим учун сизларнинг ҳаммаларингиз олдидаги ўз масъулиятимни ҳам сезиб турибман. Шу кунларда ҳаммамиз бошдан кечирган нарсаларни айтиб ўтишим керак. Булар аввало мен учун оғир сабоқдир. Раҳбар кадрларни кўтаришга ёндашиш хусусида ҳам сабоқдир. Масалан, халқ депутатлари съезди биринчи овозга қўйишда вице-президентни сайлашдан бош тортганида ҳақ эканлиги ва президент ўз ваколатларидан фойдаланиб, ўз таклифини ўтказдириб ҳато қилганлиги энди кўриниб турибди. Бу — бирдан-бир хато эмаслигини ҳам айтмоқ керак.

Мамлакатни асабийлик ҳолатидан чиқариш — ҳозирги энг муҳим вазифадир. Ҳамма хавф-хатарлар ўтиб кетди, деб ҳисоблаш асосли эмас. Шу муносабат билан ҳозир демократия қондаларига тарафдор бўлган барча сиёсий кучларнинг масъулиятли мавқеда туришлари ҳамма нарсадан ҳам зарурдир. Биз ҳаммамиз, шу фитнани янчиб ташлаган, мазкур жиноий режалар йўлини қаттиқ тўсиқ қўйган кишилар ўша фитначилар қўллаган усулларни асло қўллламаслигимиз керак. Биз конституцияга ва қонунга қатъий амал қилишимиз, бир ёқадан бош чиқариб, масъулиятни сезиб ҳаракат қилишимиз керак. Энди жамият тараққиётнинг янги босқичига чиққанини шу кунлардаги воқеалар кўрсатди. Реакцион кучлар нақадар хоҳлашмасин, энди орқага қайтилмайди. Биз мамлакат тараққиётининг принцип жиҳатдан тўғри йўналишини танлаб олганмиз.

Биз ҳаммамиз қийин кунларни бошдан кечирдик. Модомики шундай экан, келинглар, ана шу аччиқ тажрибадан ҳам ибрат олиб, дадилроқ ва қатъийроқ олга бораверайлик. Азиз ўртоқлар, ҳаммангизга ташаккур билдираман, Президент сифатида мен шу кунларда демократияни ҳимоя қилган барча кишилардан энг катта ва, эҳтимолки, энг муҳим мадад олдим.

Раҳмат.

БИРДАМЛИК ИЗҲОР ҚИЛИНДИ

МАДРИД. (ТАСС мухбири Роберт Серебренников). Испания ҳукумати Совет Иттифоқидан конституциявий қонуният тикланганлиги муносабати билан чуқур қониқиш билдирди. Эълон қилинган Баёнотда совет халқи ва унинг конституциявий тартибни ҳимоя қилишга отланган, демократик йўл билан сайланган вакиллари тутган йўлга қатъиян бирдамлик изҳор қилинади. Бу эса фитнани барбод қилишда ҳал қилувчи омил бўлди. Халқаро ҳамжамиятнинг деярли бирдам бўлиб тазйиқ ўтказиши шуни кўрсатдики, Хелсинки якунловчи ҳужжатига ҳамда бутун Оврупо учун Париж хартиясида ёзиб қўйилган демократик қадриятлар ушбу ҳужжатларни имзолаган барча давлатларнинг умумий ютуғи ҳисобланади. Демократия ва инсон ҳуқуқларига қасд қилганлар бошқаларнинг ёввошлигига ҳам, сустлигига ҳам умид қила олмайдилар.

Испания ҳукумати оғир можарони бартараф этган СССР ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлаш ва СССРни халқаро ҳамжамиятга тўла киритиш учун М. С. Горбачев бошлаб берган демократик ислоҳотлар жараёнини давом эттиришига ишонч билдиради.

(ТАСС, 22 август).

Диққат: янги ойнома

«БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ»

Кейинги йилларда жумҳуриятимизда ёшлар тарбиясига катта аҳамият берилаётгани барчамизни қувонтираётир. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига, уларга таълим бераётган ўқитувчиларга ажойиб ғамхўрлик кўрсатилаётгани жумҳуриятимизда келажак авлод тақдирига бефарқ қаралмаётганидан яна бир далолатдир. Шу ўринда Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги томонидан янги «Бошланғич таълим» ойномасининг таъсис этилиши сўзимизнинг исботидир.

1992 йил январь ойидан бошлаб чиқадиган бу ойноманинг мақсади, унда қандай муаммоларни ҳал қилиш кўзда тутилгани ҳақида ойнома бош муҳаррири, филология фанлари номзоди Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ шундай деди:

— Маълумки, жумҳуриятимиз Президенти томонидан бошланғич синф ўқитувчиларига кенг имтиёзлар берилди. Уларнинг маошлари оширилди, коммунал хўжалик ҳаражатлари қисқартирилди. Муаллимларнинг, шу жумладан бошланғич синф ўқитувчиларининг шаҳар транспортида юришлари бепул қилинди. Хулласи, ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи касб эгаларига бўлган эътибор кучайди. «Бошланғич таълим» ойномаси эса бошланғич синф ўқитувчилари, педагогика билим юрти муллимлари ва талабалари шунингдек, педагогика олий билимгоҳларининг бошланғич таълим куллиётлари учун илмий-методик қўлланма сифатида ташкил этилди. Ойнома-да юқорида тилга олинганлардан ташқари куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиларининг болалар тарбиясига оид илмий-методик мақолалари, тавсиялари, предметлар бўйича энг яхши дарс намуналари, ўқув режа дастурлари, илм-фан янгиликлари мунтазам равишда бериб борилади. Бундан ташқари педагог-мутахассис олимларнинг қизиқарли материаллари ойнома саҳифаларидан кенг ўрин олади.

Ойноманинг ўқимишли, мазмундор бўлишида ёшларнинг билими ва иқтидорини оширишда, ўқитишни юқори поғонага кўтаришда азиз муштарийларнинг маслаҳатларига, фикр-мулоҳазаларига, хат-хабарларига муҳтожмиз.

Бошланғич таълим силсиласининг турли зиналарида турган бир юз олтмиш мингга яқин ўқувчи ва талабалар, ўн мингдан ортиқ ўқитувчи, олим, саксон мингга яқин бошланғич таълим ўқитувчиси, эллик мингга яқин куни узайтирилган гуруҳларнинг тарбиячилари, 1992 йилда ўз касбий ойномаларига обуна бўлсалар, нур устига нур бўлар эди. **Ойномамизнинг индекси: 75311. Обуна баҳоси** унча қиммат эмас, **1 йилга 12 сўм.** Сиз бунинг эвазига билимингизга билим қўшиб, иш тажрибангизни оширасиз, олтиндан қиммат маслаҳатлар, йўл-йўриқлар оласиз.

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ
ёзиб олди.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Чўлпоннинг қурултойга арзномаси

37-йиллар қатағони. Сталин бошқарган «қўрқув машинаси» қутурган чоғлар, бошқа миллатлар қатори ўзбек халқи ҳам ўзининг юзлаб, минглаб билимли, доно, эрксевар, жасур ва қўрқмас фарзандларидан жудо бўлди. Қурбонлар орасида сиёсатдонлар, олим-у фозиллар, шоиру ёзувчилар билан бир қаторда, оддий ишчи-деҳқонлар ҳам бор эди. Улар ҳақида ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзилди ва ёзилажак...

«Қўрқув машинаси»га бегуноҳ «ем» бўлганларнинг узундан-узоқ рўйхатидан ўзбек халқининг севимли адиби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг номи ҳам ўрин олган. Муштарийларимиз адибнинг шахси ва ижодига бағишланган қатор мақолалар билан таниш. Ушбу мақола ҳам Чўлпон ҳақида. Бу битиклар сизда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

* * *

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Андижондан Тошкентга доимий яшаш учун келгандан кейин «РОСТА»деб номланган ўзбекча деворий рўзноманинг муҳаррири бўлиб ишлай бошлайди. Айни вақтда қизғин ижодий иш, хусусан, драматургия соҳасида изланишлар олиб боради. Ёш адибнинг «Ёркиной»и 1920 йилнинг 24 ноябрида Тошкентдаги «Халқ уйи»да (Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси қаршисидаги «Ўзбекистон санъати музейи» ўрнидаги иншилобдан аввал қурилган бино) саҳналаштирилди. Адиб шу даврнинг ўзида «Чўпон севгиси» шеърий асарини яратди. Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги «Турон» театр труппаси (режиссёри Маннон Уйғур) томонидан 1921 йилнинг январь ойида унинг «Халил фаранг»и томошабинларга тақдим этилди.

1922 йилнинг август-сентябрь ойларида I-сони босмадан чиққан «Наука и просвешение» ойномасида Б. Пестовский «Ўзбек театри» мақоласида (у Чўлпон билан шахсан таниш бўлган) бундай ёзган эди:

«Чўлпон ҳозирги пайтда «Чўрининг қўзғалиши» пъесасини ёзяпти. Пъесада илм-маърифатли ўзбек аёлининг фожиали ҳаёти тасвирланади; у озод бўлишни, паранжи-чачвондан қутулишни орзу қилади, аммо бунга эри йўл қўймайди. Спектаклда кўрсатиладиган шарқ кечаси саҳнасида бу ўзбек аёли юзига ниқоб тортиб, русча кийим-бошда чиқиб, жуда ёқимли майин овоз билан ашула айтади. Гулдурос қарсаклардан кейин иккинчи марта саҳнага чиқиб, ёшларни эскилик сарқитларидан қутулишга жиддий киришмаётганликларини аёвсиз танқид қила бошлайди.

Бундан ташқари, Чўлпон «Ўлдургучи» пьесаси устида ишлаяпти», — деб хабар беради муаллиф. («Наука и просвешение», I-сон, Тошкент, 1922, 15-бет)

Чўлпон «РОСТА»дан бўшагач, Туркистон Мухтор Жумҳурияти Халқ Маориф Комиссарлигида ҳам ишлаган. У 1921 йилнинг январь ойи бошида Тошкентда ўтган II-ўзбек тили ва имло масалалари конференцияси ишида қатнашади. Бу конференцияда тил, имло қоидалари ва ҳарфларни қисман ислоҳ қилиш юзасидан қарорлар қабул қилинган ва улар 1922 йилдан ҳаётга жорий қилина бошлаган. Бу қурултойда шоир Боту араб алифбосидан воз кечиб, лотин алифбосини қабул қилиш масаласини ўртага лойиҳасини қурултойга тақдим қилган. Чўлпон Тошкентда ҳазрат Навоийнинг хайкалини ўрнатиш масаласини ўртага қўйди.

Туркистон Халқ Маорифи Комиссарлигининг 1921 йил 17 январда ўтган коллегиясида (комиссар Ш. Ахмадиев, муовин Деменштейн) Комиссарлик Илмий Кенгашининг ўзбек илмий ҳайъатини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилиниб, бу ҳайъатга Абдулҳамид Юнусов (раис), Машриқ Юнусов ва Вадуд Маҳмудов ишга қабул қилинганлар.

Ўзбек билим ҳайъатининг, хусусан, шу ерда ишлаган икки шоир: Чўлпон ва Элбекнинг ташаббуси билан 1921 йилда болалар учун ўзбек тилида «Болалар дунёси» номи билан ойнома чиқаришга қарор қилинади. 1921 йилнинг 29 январида ойномага Санжар Сиддиқ муҳаррир этиб тасдиқланган. Ойноманинг илк икки сони 5 минг нусхадан чиққан бўлса, 1922 йилдан «Шарқ чечаги» номи билан 10 минг нусхада чиқа бошлади. Бу ўзбек болаларининг қалдирғоч ойномаси эди. (1919 — 1920 йилларда Тошкентнинг янги шаҳар қисмидаги «Педагогика лабораторияси», «Ёш туркистонлик» номи билан ойнома нашр қилган. Унда ўзбекча мақола ва шеърлар ҳам берилган).

Маориф Комиссарлигидаги турк шўъбаси 1920 йил май ойида тарқатиб юборилиб, 1921 йилнинг январидан ўзбек илмий ҳайъати ташкил қилингандан сўнг, комиссарликда ўзбек тили таълимига оид ишлар бироз бўлса ҳам жонланди. Бунда Чўлпоннинг ҳиссаси катта. Комиссарликнинг 1921 йил 21 мартдаги коллегиясида барча мактаблар ва билим юртларида маҳаллий тилларни ўргатишни ҳаётга жорий қилиш юзасидан қатъий тадбирлар белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган. (ЎзССЖда МДА, 34-фонд, сақланиш бирлиги 708, 262 — бет). 29 мартда коллегияда ўзбек тилида дарсликлар тузиш юзасидан танлов ўтказиш ҳақидаги ҳужжатнинг лойиҳаси муҳокама қилиниб, биринчи навбатда мактаб таълимининг дастлабки синфлари учун (1-3-синфлар) дарсликлар яратиш керак, деган қарорга келинган ва танлов ҳужжати лойиҳа тарзида маъқулланган. Шундан кейин Машриқ Юнусов — Элбекнинг ўзбек мактабларининг 1-3 синфларига тузган уч бўлимдан иборат «Ўзбекча ўқиш» китоблари нашр қилинган.

Бу йиллари Халқ Маориф Комиссарлиги қошида Илмий Кенгаш бўлиб, унинг раиси 1921 йил сентябридан Усмонхон Эшонхўжаев, ўринбосари эса Евгений Дмитрович Поливанов бўлган. Илмий Кенгашнинг турли ҳайъатлари, чунончи, педагогика ҳайъати (комиссияси): ўзбек, қирғиз (қозоқ) (Иншилобдан аввал рус матбутида қозоқ ва қирғизлар биргаликда «қирғизи» атамаси билан ифодаланган. Бу термин А. С Пушкиннинг «Капитан қизи» қиссасида ҳам қўлланилган), туркман илмий ҳайъати, кейинроқ тожик ва қирғиз илмий ҳайъатлари тузилган.

Мазкур ҳайъатлар миллий тилларда дарслик ва ўқув қўлланмалари, дастур, методик йўл-йўриқлар яратиш, шунингдек, миллий тилларнинг имлоси ва алифболарини такомиллаштириш каби масалалар билан шуғуллана бошлайдилар. 1921 йилнинг январь ойида ўзбек тили ва имлоси масалалари юзасидан бутун Туркистон конференцияси ўтказилади.

Комиссарликнинг Илмий Кенгаши мазкур ҳайъатларнинг қўшма мажлисларини ўтказиб турган, 1921 йилнинг ноябрь ойида туркман Н. Н. Иомудскийнинг миллий илмий ҳайъатларнинг ишини яхшилаш тўғрисида Туркистон Жумҳурияти Халқ Комиссарлари Кенгашига ёзган катта хати муҳокама қилинди. Бунда Абдулҳамид Юнусов, Машриқ Юнусов, «қирғиз» илмий ҳайъатидан И. Тўхтабоев, А. Диваев, туркман илмий ҳайъатидан Чори Гелдиев, Аннақули Қурбон Саидов ва бошқалар фаол қатнашганлар. Мажлисда миллий илмий ҳайъатлар ишини тубдан яхшилаш зарурлиги ҳақида тўхтамга келинган.

1922 йилнинг бошидан Чўлпон Бухоро Халқ Жумҳурияти Маориф нозирлигида ишлаган ва 20-21 мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган бутун Туркистон маориф ходимларининг съездига Бухоро Халқ Жумҳурияти Маориф нозирлигидан меҳмон сифатида қатнашган (Уни Туркистон Халқ Маорифи Комиссари ўринбосари Фёдор Оликов шахсан чақиртирган эди).

Бу съездда 100 делегат мандат билан, 12 нафар маорифчи-меҳмон (Бухоро, Хоразм, Тоористон, Бошқирдистон, Қозоғистон, Озарбайжондан) иштирок этган.

Бутун Туркистон миқёсида биринчи марта ўтказилган бу съездда ўзбек халқ маорифи ходимлари учун ўзбек миллий мактаблари ишининг мазмуни, ўзбек имлоси ва истилоҳи (атамалари), муаллимлар етиштириш ва ўқув қўлланмалари ҳозирлаш, клуб-кутубхона ишлари, санъат: адабиёт, театр, мусиқа, тасвирий санъат, ўзбекча матбуот масалалари муҳокама қилинган эди.

Ўзбекистон ССЖ пойтахти Самарқанд шаҳрида 1927 йил октябрда жумҳурият маданият ходимларининг 2-қурултойи бўлади. (Биринчиси 1926 йилнинг январь ойида бўлиб, 337 киши қатнашган эди, шулардан 80 фоизи муаллимлар эди).

Иккинчи қурултойда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказқўмининг биринчи котиби Акмал Икромов «Мафкура майдонида кураш ва бу курашда ўзбек зиёлиларининг роли» ҳамда Халқ Маориф Комиссари Маннон Ғомиз «Ўзбекистонда маориф йўлида қилинатурғон навбатдаги вазифалар» мавзуларида маъруза қиладилар: бу масала юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилинади: 2-масала юзасидан қабул қилинган қарорлар II-моддасида «Ўрта Осиё дорилфунунини ерли халқ талабига яқинлаштириш, кўпроқ ерли халқдан ўқувчилар жалб қилиш йўлида тегишли тадбирлар кўриш кераклиги, Самарқандда янги очилган муаллимлар олий билимгоҳида ўзбек адабиёти мутахассислари тайёрлаш мақсади билан адабиёт қисми ташкил қилиш талаб қилинади. («Маориф ва ўқитғувчи» ойномаси, 1927, 12-сон, 90-бет).

Бу қурултойда мафкура масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, чет элларга қочиб, Совет Туркистони шаънига туҳматлар ёғдириб мақолалар ёзаётган Мустафо Чўқай, Заки Валидийлар фаолияти кескин қораланди, Ўзбекистон зиёлилари мафкуравий фаолликка даъват қилинди.

Ўша кунлари Чўлпон катта жасорат билан ёзган қуйидаги арзномасини жумҳурият қурултойига йўллайди. (Бу арзнома, 2-қурултой қарорлари, Сталин ва Зелинскийга йўлланган телеграмма матнлари «Маориф ва ўқитғувчи» ойномасининг 1927 йил 12-сонида илова қилиб, 85-91-саҳифаларида берилган. Арзномани ўз имлоси билан айнан келтирамиз).

«Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар Жумҳуриятининг иккинчи маданиятчилар қурултойи муҳтарам раёсат ҳайъатига

Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон) томонидан

АДОИ ЭЪТИЗОР

Муҳтарам қурултойнинг ишларига, мазкур важиҳлар билан бўлиб, яқиндан аралаша олмағоним учун таассуф қиламан ва сиз муҳтарам ҳайъатдан ўтунаманким, менинг қуйидаги арзимни муҳтарам қурултойга етказсангиз эран:

Улуғ Октябрнинг аввалларидан бери ишчи-деҳқонларнинг иншилобчи ҳукуматлари томонидан бўлиб, маориф ва маданият соҳаларида қўлимдан келган қадар самимият билан ишлаб келганим маълумдир. Ватандошлар урушининг энг қизғин даврларида шонли Қизил аскарнинг «Перекўп» музаффарияти дамларида Коммунистлар фирқаси томонидан ишлатилган бир газетани (ушбу вақтнинг энг сўл газетаси «РУСТА»нинг) тузиб, қўлимдан келган қадар иншилобга ва унинг енгишига хизмат қилганман. Бу Тошкентнинг ҳамма шўро ва фирқа ишчиларига маълумдир. Ундан сўнг бошқа газета, журналлар ва ниҳоят, театру ишларида ҳам шу ишларнинг раҳбари бўлган сиёсий идоралар назоратида, ўшаларнинг кўрсатган йўллари билан ишлаб келганман. Булар ҳар қайсиси ўз кишиларига маълум.

Сўнгги 2-3 йил орасида шоирлиқ ва ёшлиқ майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди. Чунончи, миллатчилик ва ватанпарварлик руҳида шеърлар ва насрлар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим ҳам бўлди. Сўнг вақтда, айниқса, Москвада ўқуғон вақтларимнинг сўнггида у хатоларимга ўзим ҳам тушундим. У ёзғон нарсаларим ва сўзлаган сўзларим камбағал ва йўқсиллар душманларининг фойдасига хизмат бўлғонини биламан. Башарият умумий саодати, эзганлар ва борларға қарши эзилганлар ва йўқларнинг курашда эканини англадим. Дунёда асосан икки қарама-қарши жабҳаға бўлинган бойлар билан камбағаллар курашда ҳақ ва ҳақиқатнинг камбағал ва йўқсиллар томонидан эканиға қаноат қилдим. Мундан сўнгги ишимда шу қаноат ва ишончимни асос қилиб тутмоққа қарор бердим.

Мундан сўнг шу йўлдаги азмимни иш билан кўрсатиб, иш орқасида ҳалиги хатоларни ишчи-деҳқоннинг кўнглидан кетказишка ҳаракат қилурман.

Мундан сўнг ўз фаолиятим учун ўзим севган театру соҳасини олиб унда яқин (шу йил) ВКП Марказий ташвиқот тарғибот шўъбаси ёнида бўлғон театру маслаҳат мажлисининг қарорлари асосида, ўшани дастур қилиб иш қилишимни арз қиламан:

ЧЎЛПОН

Самаркент — 1927, 5/X

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР.

адои эътироз — узр сўраш (бу ўринда **адо** бажариш, қилиш, ўташ; **эътироз** арабча — азара феълидан бўлиб, узр сўраш маъносини билдиради; **адои эътироз** сўзма-сўз узр сўрашни билдириш, бажариш маъноларини англатади).

Перекўп музаффарияти — фуқаролар уруши даврида Қизил Армиянинг Қрим ярим оролидаги Перекоп бўғозида 1923 йил июнда қўлга киритган ғалабаси.

Руста (Роста) — Россия телеграф агентлигининг Тошкентдаги бўлимида чиқарилган ташвиқий-тарғибий газета-варақалари.

Борлар — бойлар.

Йўқлар — камбағаллар.

Йўқсиллар — пролетариат.

Самаркент — Самарқанд (М. Қошғорий, З. М. Бобурда **Семиркент, Семир** ва **кент** сўзларидан ясалган).

Мазкур арзномада шоирнинг ўзи ўша даврда иқрор бўлиб кўрсатган хатоларини таҳлил қилишда масалага бир томонлама, яъни **«шоирлиқ ва ёшлиқ майллари»** жиҳатидан ёндашмай (бу масаланинг субъектив жиҳати), балки хатоларга иншилобий ўзгаришлар нуқтаи назаридан ёндашиб, содир бўлишининг объектив томонларини ҳам айтиб ўтиш керак.

Октябрь иншилобидан кейин Туркистон халқлари мустамлакачилик зулмидан қутулиб, сиёсий озодликка эришдилар. Аммо халқнинг иншилобдан кутган орзу-умидлари дастлабки йилларда амалга ошмади. Натижада иншилобдан кейин фақат ном ўзгарди, деган кайфият пайдо бўлди. Бундай бўлиши эса буюк давлатчилик шовинизми ҳамда иншилоб ғалабасининг илк даврида Туркистонда ҳокимият ва уни бошқарув-органларида фақат овруполиклар бўлганини, уларнинг орасидаги баъзи коммунистларнинг ўз фаолиятларида йўл қўйган хатолари билан боғлиқдир. Сўл эсерлар партиясининг бошчиларидан К. Я. Успенский 1918 йил январь ойида ўтган Ўлка Советларининг IV съездида очиқдан-очиқ бундай деган эди: «Ўртоқ мусулмонлар! Шуни билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз. Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунишингиз керак».

Ана шу шовинист Туркистон Мухтор жумҳуриятининг биринчи Халқ Маорифи Комиссари этиб тайинланди. Бу йиллари Маориф Комиссарлиги коллегияси таркибида биронта ҳам маҳаллий миллат вакиллари бўлган эмас. Октябрь иншилобининг 10 йиллигини нишонлашга қадар олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиётидан олий маълумотли мутахассислар етиштирадиган куллиёт очилмаган.

Туркистонда шовинизмга жавобан у ёки бу даражада миллатчилик кайфиятларининг рўй бериши табиий бир ҳол эди. Чўлпоннинг «... миллатчилик ва ватанпарварлик руҳида»ги асарларини таҳлил қилишда, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини ҳамда ўша йиллари «миллатчилик ва ватанпарастлик» тушунчаларида нималар англашилганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур эди.

Ўз даврида шовинизм ёки миллатчиликда айбланган зиёлиларга нисбатан қўлланган жазо чоралари бир хил бўлмаган. Ўзбекистонда миллатчиликда айбланган ўқимишли кишиларни озодликдан маҳрум қилиш (узоқ муддат билан қамаш) 1929 йилдан бошланган; бошқа тарбиявий тадбирлар қўлланмаган, амалга оширилмаган. Чунончи: Н. П. Остраумов, П. Е. Кузнецов, М. С. Андреев иншилобнинг илк даврида Туркистондан чиқариб юборилган эди. Улар орадан кўп вақт ўтмай қайтиб келганлар. Халқ Маорифи Комиссарлигининг 1922 йил 22 октябрида бўлган мажлисида мазкур зиёлиларни Туркистондан яна чиқариб юбориш зарурлиги масаласи кўтарилган. Бу масалани ҳал қилишни, яъни Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси олдига қўйишни коллегия аъзолари, коммунистлар Ф. Оликов, У. Эшонхўжаев, П. Б. Билик, Абдуллаев, Позднишев ва Богод ўз зиммаларига олишган. (ЎзССЖ МДА, 34-фонд, сақланиш бирлиги 1316, 25-бет). Миллатчиликда айбланган маҳаллий халқ зиёлилари узоқ муддат билан қамалганлар (Муҳаммад Ҳодиев — Боту, Шокир Сулаймон, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар) ёки отиб ўлдиришга ҳукм қилинганлар (Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий...).

Афсуски, тақдир Чўлпонни ҳам аямади...

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ.
педагогика фанлари номзоди.

МУАЛЛИФДАН:

Ўзбекистон Халқ маорифи тарихини ўрганиш жараёнида ўзим кўриб чиққан материаллар асосида ушбуни қоғозга туширдим. Санъаткорнинг бадиий асарлари билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш эса, фидоий мутахассисларимизнинг ишидир.

Суратда: шахсга сиғиниш даврининг қурбонлари: (ўнгдан) Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов — Чўлпон, Шокир Сулаймон, Маҳмуд Ҳодиев — Боту. (Расм 1927 йилда олинган).

Янги ўқув йили бўсағасида

1-СИНФГА... ИМТИҲОН БИЛАН

Ота-оналарга ҳеч замонда осон бўлмас экан-да, Яқиндагина фарзандларини ўқишга киритиш ташвиши билан роса чопишганди. Эплагани хурсанд, эплолмагани дами ичида...

Энди яна бир ташвиш чиқибди. Болаларни мактабга бериш ҳам имтиҳонли бўлиб қолди. Замонанинг зайли билан куллиётлар олий билимгоҳга, олий билимгоҳлар дорилфунунга айланмоқда. Гарчи бу катта ишнинг бошланиши бўлса-да, ҳозирча бу шунчаки номларнинг ўзгариши бўлса-да, майли-да. Мусулмончилик аста секин...

Мактаблар эса лицейларга, коллежларга, гимназияларга айланмоқда. Ана шундайлардан бири билан муштарийларни таништириш учун суратгир ҳамкасбимиз билан шаҳар айландик. Суриштирсак, «энг зўри 50-мактаб» дейишди. Фурманов номидаги 50-мактаб ҳам гимназияга айлантирилган экан. Ҳовлисига қадам босиб бўлмайди. Танга тушгудек жой йўқ. Тумонат одам. Билсак 1-синфга ўқувчилар қабул қилишаётган экан. 50 бола. Номзодлар бизнинг чала хом-чўтларимиз бўйича 500 га яқин. Ҳар боланинг ота-онаси, холаси, бувисини ҳисобга олсак, бир неча минг одам йиғилган.

Худди дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик куллиётига имтиҳон бўлаётгандек...

Имтиҳонга битта-биттадан киритишаяпти. Эшик олдида ота-оналар сўнгги маслаҳатларини беришаяпти. Қулоққа «Винни Пух», «Мишка косолапий», «Красная шапочка»дан тортиб икки карра икки, 4 га 5 ни қўшсак, неча бўлади деган гаплар чалинади.

Кейин ичкаригга кирдик. Имтиҳон борарди. Чеҳрасидан меҳрибончилик ёғилиб турган ўқитувчилар бир қорамағиз болачани «ўртага олишарди».

— Айтчи Беҳзод, сенда 5 дона олма бор, укангда ҳам бор. Жами 9 та, хўш...

— Укамда нечта... — деди чўрткесар бола.

Кулги кўтарилди.

— Буни сендан биз сўрамоқчимиз — дейишди ўқитувчилар.

У бир зум ўйланди-да:

— 4 та деди.

Сўнг шолгом ҳақидаги машҳур рус эртагидан савол беришди, уй ҳайвонлари билан ёввойиларини сўрашди. Уолд Диснейнинг мультфильмларидан айтиб бер дейишди. Боланинг бурролиги бизни ром этди. «Яхши» дейишди имтиҳончилар Беҳзоднинг жавобларидан мамнун. Худди ўзимиз имтиҳон топширгандек биз ҳам енгил тортдик. У эса гап нимадалигини тушундими, йўқми, бемалол чиқиб кетди.

— Реклама қилиш шарт эмас, шусиз ҳам хоҳловчилар керагидан ортиқ, — дейишди ўқитувчилар.

Биз ҳам бу гимназияни реклама қилмоқчи эмасмиз. Лекин тўғриси уларга ҳавасимиз келди. Шароитлар яхши. Ўқитувчилар жуда ҳам малакали. Унча-бунча олий билимгоҳнинг ўқитувчиларидан қолишмайди. Танлов жуда кенг қамровли ва принципиаллик билан ўтмоқда. Шу билан тугатсак ҳам бўларди. Лекин битта гапни айтмасак асло кўнгил тинчимайди.

Нега бундай гимназиялар саноқли? Майли, аксарияти юқоридагига ўхшаб давлат тилида бўлмаса-да, барибир кўпайтириш керак. Қоларверса, ўзбекчаларини ҳам. Сўроқ-саволда ҳам «Винни пух» қатори ўзимизнинг Бўғирсоқ, Тариқвой, Алпомиш, Гўрўғлилар ҳам сўралса, малина билан смородинанинг фарқини айтиб берилганда, ошкўк билан кашничники ҳам сўралса...

Зеро биз ёшимиз бир жойга борар пайтда ўзлигимизни англаш тўғрисида қуйиб-пишиб гапиряпмиз... Холос. Яхшиси уни мактабдан... кечирасиз гимназиядан бошласак тўғри бўлмайдими?

Мен, Беҳзоддек фикри бутун, ақли тийрон «болача»лар буни уддасидан чиқишига ишонаман. Фақат уларни бунга ким ўргатади?!

А. АҲМЕДОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: Беҳзод Исомитдинов имтиҳон топширмоқда.

Ғолиб РАҲИМОВ суратлари.

Эҳтиёт бўлинг, поезд келяпти!

Темир йўл диспетчерлигидан навбатчи қисмга одам босиб кетилганлиги тўғрисида ҳар гал сим қоқишганда беихтиёр: наҳотки яна бир тирик жон пўлат из қурбони бўлган бўлса-я, деган фикр хаёлдан ўтади...

Кейинги вақтларда темир йўлда болалар ва ўсмирлар билан бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш миқдори кескин кўпайди. Биргина июль ойининг ўзида Ўрта Осиё темир йўлида 15 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Шундан саккизтаси ўлим билан тугади. Йил бошидан буён юз берган 46 бахтсиз ҳодисанинг 21 таси поезднинг тагида қолганларнинг ҳалок бўлиши билан якунланган. Нохуш маълумотнома!

Бунга сабаб нима?

Унинг сабаблари кўп. Энг асосийси ўсмирларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидир. Улар на ўқиш, на меҳнат қилиш билан банд бўлмаган ҳолда зерикиб, темир йўл бўйлаб сангиб юришади, ота-оналарининг лоқайдлиги кўпинча ана шундай кўнгилсиз ҳодисанинг юз беришига олиб келмоқда.

...Юк поезди тезликни оширган ҳолда манзил сари интиларди. Бухоро вилояти Когон ноҳиясининг Пролетаробод станциясида 6 ёшли Т. Ғафуров эса шу пайтда назоратсиз қолади. Натижада кўнгилсиз воқеа содир бўлади. Боши ва оёқлари жароҳатланган ҳолда уни касалхонага олиб келишади.

12 ёшли Алишер Шарипов Қарши станциясида ўйнашни одат қилган эди. 1991 йил 4 июли бир умр унинг эсида қолади. Манёвр тепловози унинг чап қўлини кесиб кетади. Эндиликда у ногирон бўлиб қолди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон станциясида 7 июль куни худди шунга ўхшаш бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Манёвр тепловози Вокзалолди кўчаси, 9-уйда яшовчи Виктор Потаповнинг ўнг қўли ва ўнг оёғини кесиб юборди.

Шу йилнинг 13 июль куни Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи касалхонасига Тошкент шаҳридаги 255-мактабнинг 8-синф ўқувчиси, 1977 йилда туғилган Д. Алимовни олиб келишди. У Тошкент товар станциясида вагоннинг тепасига чиққан ва электр қуввати уришидан жароҳат олган.

Ҳужжатлар темир йўлда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар туфайли ёш болалар ҳалок бўлаётганлигини кўрсатиб турибди. Икки ёшдан то беш ёшгача бўлган болалар йўл хавфсизлиги қоидаларидан бехабар эканликлари аён. Шунингдек, бу фожиада лоқайд ота-оналарнинг ҳам айблари катта. Ўз фарзандларини темир йўлда ўйнашга чиқиб кетишига эътиборсизлик билан қараб, уларнинг нобуд бўлишига кўра билатуриб йўл қўймоқдалар.

Далилларга мурожаат қилайлик. Икки ёшли Бахтиёр Қаюмов эндиликда жарангдор қўнғироқчасини чала олмайди. У 18 июнь куни Қизил Тўқимачи — тайёрагоҳ орасида 6413 поезди остида қолган. Наманган шаҳрида 22 июнда 3 ёшли Д. Отамирзаева ҳам поезд остида қолиб, ҳалок бўлган. Янгийўл шаҳрилик икки ёшли Д. Файзиеванн 4 июлда поезд уриб кетган. Бунга ўхшаш мисоллар оз эмас.

14 июлда 42-поездлар тўхтаб ўтадиган қўш из — Бухоро оралиғидаги жойда ўзининг эҳтиётсизлиги туфайли Бухоро вилояти Когон ноҳиясидаги «Бухоро» давлат хўжалиги учинчи бўлими, иккинчи бригадасида яшовчи 1963 йилда туғилган Н. Остонова, унинг 1988 йилда туғилган ўғли Фурқат Хўжаев, 1985 йилда туғилган қизи Умида Хўжаева поезд вагонининг остида қолишган. Бунинг натижасида она ва ўғлининг ўнг қўлларини кесиб юборган, қизча эса воқеа содир бўлган жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмган.

Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси бонг уради! Болаларни темир йўлларда жароҳат олиш муаммосини маҳаллий, вилоят ва жумҳурият матбуоти саҳифаларида бир неча бор кўтарилди. Аммо шунга қарамай болалар ва катта ёшдаги кишилар ўртасида темир йўлдаги бахтсиз ҳодиса миқдори камайгани йўқ. Аксинча, йилдан-йилга ўсиб бораётир. Бу ташвишли, албатта. Бунда жамоатчиликнинг ёрдами ғоят зарур. Ноҳия комсомол қўмиталари ҳузурида ташкил этилган комсомол оператив отрядлари қани? «Ёш дзержинчи», «Милициянинг ёш дўсти» отрядлари қаердасизлар? Афтидан, улар фақат қоғозда қолаётганлиги кўриниб турибди. Ахир темир йўл транспортн ўқув юртлари, муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳларнинг талабалари шаҳар четига қатнайдиган поездларни оталиққа олишлари мумкин-ку.

Темир йўлда болалар ва ўсмирлар жароҳатланиши ҳамда ҳалок бўлишига қарши биргина транспорт милицияси ходимлари кучғайрат сарфлашининг ўзи етарли эмас. Кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш орқалигина фожиаларнинг олдини олиш мумкин. Шунингдек, аввало ҳар бир ота-она ўз фарзандининг тақдири учун қайғурниши, унинг хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлиши зарур.

Н. ҲАЙТЕНОВ,
Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси ташкилий инспекторлик бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги.

В. ЯНКЕВИЧ,
Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси балоғатга етмаган ёшлар ишлари билан шуғулланувчи инспекция бошлиғи, милиция майори.

Ёмғирлар мавсуми ҳақида Раманинг айтганлари

Таниқли ўзбек шоири ва адиби Муҳаммад АЛИнинг турли мавзуларда ёзилган шеър ва достонлари, тарихий романлари ўқувчиларимизга яхши маълум. У халқлар, адабиётлар ўртасида кўприк вазифасини бажарувчи таржима билан ҳам жиддий шуғулланиб келади. Бунда Ҳиндистон адабиёти алоҳида ўрин тутади. Жумладан, ҳиндларнинг биринчи достони деб саналадиган «Рамаяна» ўзбек ўқувчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва севимли асарлардан бирига айланди. Муҳаммад Али шунингдек, Рабиндранат Тагорнинг айрим шеърларини ўзбекчалаштирди, ҳиндшунослар Ф. Тешабоев ва С. Мирқосимовлар билан ҳамкорликда элликдан ортиқ Ҳиндистон шоирларининг шеърларини таржима қилиб «Ҳимолай оша садолар» номида нашр эттирди.. У Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик, иқтисодий ва маданий жамияти бошқаруви аъзосидир.

Муҳаммад Алининг ижодий фаолияти икки қадимий халқ ўртасида дўстлик ипларини мустаҳкамлашда маълум ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Қуйида «Рамаяна» эпосидан бир парчани эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

«Тоғларга ўхшаб кетар бу пайтлар бори булут,
Кезишар лапанг-лапанг, ёмғирга юкли бўлиб.
Офтоб — лабин қўйди-ю осмон, қурсоғига баъд
Уммонларни симириб ёмғир туғди оқибат.
Гуллардан даста ясаб Нур Ҳадячи томонга,
Булутлар зинасидан чиқса бўлур осмонга.
Шом ғира-ширасида қизармиш булутлар ҳам
Гўё осмон ярасин боғлашди қўйиб малҳам.
Роҳатдан ҳориб само, нафас ҳам келиб малол,
Заъфардек сарғаяр-да, шафақдек ёнар ол-ол.
Ғам эзгандек Ситани — равон оқиб мисли ёш
Осмон сувлари ювди, ёндирди Ерни қуёш!
Ҳар бир муаттар булут қат-қати салқин бироқ,
Сояпар бўлган мисол дафнада ҳар бир япроқ.
Тўйиб хушбўй шамолдан ҳовуч-ҳовуч ича қол,
Турфа дарахт, турфа гул ҳиди унда бемалол.
Салобатли турар тоғ мисли сарбаланд устун
Учар шода булутлар ўраб олмиш бус-бутун.
Зоҳидлар-ведагўйлар худди ўйга ботмишлар,
Қора кийик терисин бошга ёпиб қотмишлар.
Чақмоқнинг зар қамчиси тушар экан, осмон ҳам
Жони оғриб тунлари қалдирайди дамба-дам.
Булут бағрида шуъла титраб-титраб балқийди:
Равананинг қўйнида маликамиз қалқийди.
Осмоннинг чор томони қуюқ парда тутмишдир,
Ошиқлар дўсти — ою саёралар кетмишдир.
Юрагимни ғам эзди! Истайман ишқий роҳат!
Буюк рожа авлоди, билгил: ҳа, роҳат фақат!
Истайман ёмғирга зор кутожадек бетоқат!
Осмонда ёғин мўл, ёғин беҳисоб,
Сафарда бўлса ким, айлайди шитоб.
Ёмғирда чанглар ҳам қотди бермай тоб,
Жангчилар ҳордиқда, кўзни босар хоб.
Тонгги шуъла билан Маънс кўли томон
Учар қорағозлар мисоли маржон.
Аробалар юрмас йўллардан бу он,
Йўқ эса гупчакдан ботгай бегумон!
Булутлар осилган ул тоқи осмон —
Асрлар ўтса ҳам ёғади ҳамон.
Йўлин тўсмоқ бўлар, унга бермай ён
Музликдан тож кийиб чўққи паҳлавон.
Ўрмонда маст бўлиб қичқирар товус.
Сувлар ҳам олибон қизғиш-қора тус
Кадамба-ю соржа гулин устма-уст
Шиддатли оқизиб борар бехусус.
Дудоғларинг кўрсин бир-бир таъмини,
Болалари олгандек гул малҳамини:
Ел тўккан меванинг энг кўркамини,
Қизил анбаҳ, қирмиз олма — жаъмини.
Мисли ўлжа излаб юрган бургутлар —
Човут салмоққа шай бароқ булутлар,
Қорли чўққилардек айлар ялт-юлтлар,
Уларга туғ эрур шуълаю ўтлар.
Улкан самовий қуш ул абри найсон
Ёғиб ўтган жойлар — кўкала майдон.
Ажиб товуслар ҳам ўзда йўқ шодмон
Елпиғич қўйруқлар-ла этар хиромон.
Чўққи, қияларда, қолмайин мадор
Мешкобчи булутлар чўкар беозор,
Сўнг яна чақинли гулдираб ошкор
Қоядан қояга ўтар беқарор.
Субҳидам фалакни товлатди ол-ол,
Булутлар шодаси ёнар ажиб ҳол.
Шамолда турналар учар бемалол
Ранг-ранг нилуфарлар четани мисол.
Барглларга сачрармиш қизил ранг, қирмиз,
Хуш қаддин чойшабга ўрагандек қиз,
Буёқ тоғорада либосини тез
Чайиб ер кўркини айлади азиз.
Ёмғир мавсуми-да, худованд Вишну
Ҳориб, кўзларига илинар уйқу,
Денгизга шошилар дарёдаги сув,
Эркакка ошиқа аёл сертуйғу.
Заминнинг фахридир жуфт-жуфт қўтослар,
Зар барг кадамбалар — гули қийғослар,
Қуйруқлари ипак товус-раққослар —
Хушбўй шохлар аро ўйини созлар!
Фили нарлар тоғда тортишар наъра.
Кетакада пишмиш мевалар сара,
Шохларин букибди — гўзал манзара!
Нарида шовуллаб ётар шаршара.
Минглаб томчи тушар гул косаларга,
Боли ҳам асали мўл косаларга,
Боларилар елиб асал яларга
Ботишар ёмғирга — донаи зарга.

Қирмизи гул олма, дил сенга пайванд!
Ҳар доим сен билан боларилар банд.
Меванг бир жомчадир, ичи шакар, қанд,
Ёнган гуллар эса— аланга монанд.
Сувга роса тўйиб жаҳдли, жангари,
Жангга кирган қайсар филлар сингари,
Булутлар тўдаси кезар сарсари,
Чақмоқлар чақилар кезинган сари.
Қалдироқ садосин чақириқ билиб
Серка фил шай турар ярим қайрилиб.
Қалдироқ саси-ла рақобат қилиб —
Тажанг, бардошидан буткул айрилиб.
Узгариб боради бутазорлар ҳам,
Товус рақс тушади қийқириб кам-кам.
Боларилар кўчи зувуллаб беғам
Ўрмонни айланар филдек чинакам.
Томирларин ўриб тупроқ ичида,
Дарахтлари сув ичар мудроқ ичида.
Тонг қолган товуслар титроқ ичида
Қиқирур, ўйнашур шу боғ ичида.
Мурувватли Индра қушларга алҳол
Бир инъом айлади ажиб, бемисол:
Гуллар косасига инжу бамисол
Муздеккина сувдан қўйди, деди: «Ол!»
Гўснофора чалар булут фалакда,
Болари бол излаб жони ҳалакда.
Қурбақалар «сайрар» қай бир кунжакда,
Қулоққа келади олис қарсакдай

Бўйни ялтиллайди, қуйруғи таранг,
Товус ўта кетган устаси фаранг,
Хиром этса басдир, гоҳ эса ҳанг-манг
Ям-яшил дарахтга термилар, қаранг.
Гўснофора чалар кўкда қалдироқ,
Қурбақа уйқудан уйғонди бу чоқ.
«Вақ-вақ» қа тўлмишди ҳовузлар мутлоқ,
Барчаси хурсанд дер: «Салқиндир ҳар ёқ!»
Дарё оқиб борар қирғоғин ўйиб,
Афъюндек симириб, ёмғирга тўйиб,
Уммоннинг кўксига бошини қўйиб,
Ёрига етишиб, суюниб суйиб.
Сувга бўкиб қолган булутлар шу он
Қўйган жарликларга менгзайди аён,
Шип-шийдам адирлар, сидирға майдон,
Тоғнинг этаги ҳам бирдай намоён.
Товус саси келар йироқ-йироқдан,
Аржуна дарахти яшнаган ёқдан.
Наъра тортиб шаҳдам фил ушбу чоқда
Гурс-гурс юриб борар қирмиз ўтлоқда.
Каламбага ёмғир қўйди роса ҳам,
Сап-сариқ гулларин силкитди бирам.
Пахмоқ қоринчасин чиқариб бу дам
Гулдан бол сўришар боларилар жам.
Овунди ўрмонда ҳайвонлар шоҳи,
Шаҳаншоҳлар — ерлар, уммонлар шоҳи:
Индра — яздонлар, имонлар шоҳи
Ўзи сел қўймоқда, осмонлар шоҳи.
Булутлар қўшинин ҳайдайди тўфон,
Гулдирар уммонлар устида осмон,
Селнинг суви тўлиб водийлар томон
Интилар, борми бу оқимга тўғон?
Индра тўлатди булут кўзасин,
Сувлади шоҳона тоғлар юзасин,
Сўнг деди: «Эй, тоғлар, замин уза сен
Ҳаммомдан чиққандек юргил тоза сен!»
Ер кўриб қўяди булутлар кучин.
Ёмғирга тўяди дала ҳам очун,
Ва мана сездирмай босиб келиб тун
Қуёшни яширди кўзлардан бутун.
Буткул дараларга сурон солиб бот,
Ўйноқлаб сойларни айларкан обод,
Инжу шодалардек чўққидан, ҳайҳот,
Паст томон отилар оқим, гирдибод!
Чўққилар шалола қилади пайдо,
Шалола шувиллар дарбандлар аро,
Водийга оқаркан инжу, дурнамо,
Қийқирар товуслар кайфлари аъло!
Ишқий ўйин қуришиб осмон қизлари шодмон
Қучишган чоғ узилиб сочилди инжу маржон.
Илоҳий маржонларнинг оқими шиддат ичра,
Тушиб чил-чил сочилди ер ичра, қат-қат ичра.
Нилуфарлар юмилди, тинди қушлар жонсарак,
Ясмин уфурди хуш бўй — бари шафақдан дарак.
Душманликни унутиб подшо-лашкарбошилар
Қайтиб сершилта йўлдан уй-уйига шошилар.
Ёмғирлар мавсуми, оҳ, Сугривага фароғат!
Ёрга такрор етишди, тахтга минди валломат!
Шоҳ эмас, қувғиндиман... Сита ёр эса йироқ,
Қаддим ёйдир, Лакшмана, мисли сув урган қирғоқ...»

Муҳаммад АЛИ таржимаси.

Футбол

ҚОЧОҚЛАРГА ЖАЗО БОРМИ?

Бу команданинг муваффақияти бутун ноҳия аҳолисининг қувончи, мағлубияти эса дарди. Гап «Косонсойчи» командаси ҳақида бораётир. Ўтган йили у Бухоронинг «Нўрафшон» командаси билан биргаликда иккинчи лига Шарқий минтақада тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритиб, ўз мухлисларини хушнуд этганди. Ишлар гўё ўз маромида кетаётганди. Аммо...

Омад бир орқага кетса, кетаверар экан. 1990 йил ноябрида командани қабул қилиб олган собиқ пахтакорчи Ислом Аҳмедов ҳам, Неделкин ҳам, Бугаев ҳам бу ерда узоқ ишлай олишмади. Мавсум ўрталаригача бир эмас, тўртта тренер ўзгарса-ю, ишқибозлар жим турсинми? Ноҳия футбол мутасаддиларини безовта қилиб, хатлар устига хатлар келаверди. Мақсад ортиқча асаббузарлик бўлмаса. Севимли команда олдингидек чиройли ўйинлар кўрсатса. Лекин жамоада шундан сўнг ҳам ижобий бурилиш бўлмаганга ўхшайди. Узоқ сафар олдидан яна бир ишкал чиқиб қолди. Ҳе йўқ, бе йўқ Усть-Каменогорск шаҳрига жўнаш олдидан «Косонсойчи»нинг бирданига 6 футболчиси А. Яшин, А. Пайос, Э. Павлов, О. Кужел, И. Черненко, О. Перепелицалар «йўқолиб» қолишди.

Нимага бундай бўлди? Ўйинчилар моддий томондан сиқилишганмиди? Ёки бирон кор-ҳол бўлдими? Йўқ, таъминот, рағбатлантириш жамоада айтиш мумкинки, жуда ҳам яхши эди. Лекин тартиб-интизом масаласи охир-оқибатда бўш олиб борилганлиги маълум бўлиб қолди. Украиналик «сайёҳлар» қандай келган бўлсалар, шундай ўз юртларига бемалол равона бўлишди.

Команда раҳбарларига ҳам эътирозимиз бор. Қачонгача четдан футболчилар олиб келасизлар? Ахир улар бугун ўйнашса эртага яна «Қайдасан, жонажон юртим» дея қайтиб кетмасликларига ким кафил? Ўйнаганларида ҳам унча-мунча пул талаб қилишмайди. Уни берасан, буни берасан. Дабдабасидан белинг букилади. Маҳаллий ёш футболчилардан фойдаланиш фурсати етмадимикан? Тўғри, биз сизга ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, деб ақл ўргатишга ҳаққимиз йўқдир. Аммо бутун бир команданинг ярмиси қочиб кетиб, катта эл олдида шарманда бўлишга ҳам йўл қўймаслик керак-да.

Афсуски, бундай ҳол нафақат «Косонсойчи» жамоаси бошига тушиб қолмади. «Сўғдиёна»да ҳам «бевафолар» бор экан. Жамоанинг энг фаол ўйинчиси Виталий Петрусевич Фарғонанинг «Нефтяник» жамоасига, Александр Царенко эса «Текстильшчик» (Қамашин) жамоасига қочиб кетдилар. Димитрий Клюков, Михаил Ярош, Владимир Циринлар ҳам турли сабабларга кўра командани тарк этишди.

Қочоқлар масаласини Ўзбекистон футбол федерацияси жиддий кўриб чиқиши керак. Акс ҳолда бундай ҳол яна бошқа командаларда ҳам такрорланиши мумкин.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ҚАМАЛАК

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Ўш вилоят мусиқий драма театри Ўрта Осиёда шўро ҳокимияти ўрнатилгандан кейин дастлабки ташкил этилган кекса санъат даргоҳларидан ҳисобланади. Театрнинг ташкил топишида санъатсевар Ўш халқи ва унинг ажойиб санъаткорларининг ҳиссаси катта. Маърифатчи Болти Ҳожи Султонов ва Фозилбек Қосимбековлар бу ишнинг ташкилотчиларидан бўлишди. Дастлаб унинг саҳнасида таниқли драматург ва режиссёр Маннон Уйғурнинг «Туркистон табиби» асари қўйилди.

СУРАТДА: Ҳазрат Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига бағишлаб тайёрланган «Навоий» мусиқали драмасидан бир кўриниш.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҚУЛОҒИНГИЗ ҚАНДАЙ ЖОЙЛАШГАН!

● АЙТИШЛАРИЧА, қулоқларнинг жойлашувига қараб ҳам инсон ҳаёти, тақдири, фазилатларини башорат қилиш мумкин экан. Масалан, бошда яхши жойлашган қулоқ болаликнинг бахтиёр ўтганидан дарак беради. Қулоқларнинг ҳаддан ташқари катта ё кичиклиги ночорлик белгиси экан.

Қулоқ қошлардан юқорида жойлашган бўлса, ақл-заковат кучли эканлиги, кўзлар билан тенг баландликда жойлашган бўлса, ўртача ақлга эгаликни, пастда бўлса, аксинча, ақли пастликни билдираркан.

Қулоқларнинг ранги эса киши саломатлигини белгилайди, яъни оч қизғиш ранг саломатлик, сариқ ёки кўкимтир бўлса касалмандлик, қорамтир ранг эса яширин касали борлигини билдиради.

БАЛИҚЛАР УЧУН ХЎРАК

● КЕЧҚУРУН лойқа сувда ёки шалдираб оқаётган сувда қармоқ билан балиқ тутмоқчи бўлсангиз балиқлар учун хўракни яхшиланг. Бунинг учун хўракка ялпиз, валерьян, дафна сувидан ёки кунгабоқар ёғидан оз миқдорда қўшилади. Уларнинг ҳиди балиқларни ўзига жалб этади ва иштаҳасини қўзғайди. Лекин шуни унутмангки, юқорида санаб ўтилган ўсимлик сувини жуда оз миқдорда қўшинг, акс ҳолда катта балиқлар хуркади.

ХОККЕЙ ЎЙИНИ ҚАЧОН «ДУНЁГА КЕЛГАН!»

● ХОККЕЙ шайбасининг оғирлиги 156—170 грамм бўлиб, диаметри 7,62 сантиметр, қалинлиги эса 2,54 сантиметрдир. Бу ўйин илк бор 1879 йилда «дунёга келган». Хоккей шайбасининг муаллифи Канаданинг Макгиль дорилфунуни талабаси У. Роберсондир. У кичкина резинка тўпни музда бошқариш қийин бўлгани учун иккала четини кесиб ташлаган. Шу йўсинда хоккей шайбаси пайдо бўлган. Ўша йили, яъни 1879 йилда Монреаль дорилфунуни талабалари хоккей ўйини қонун-қоидаларини тузишган. 1890 йилда эса чехларнинг ҳаваскор атлетчилар уюшмаси Прагада биринчи марта унинг қоидаларини нашр қилишган.

Қоидага кўра, дарвозабоннинг қўлқопидаги муҳофаза қалқонининг эни 20,3 узунаси эса 40,6 сантиметрдан ортиб кетмаслиги шарт. Оёқларидаги қалқонлар эса 25 сантиметр. Агар ўйин пайтида шайба зарб билан тегиб қалқонни чўзиб юборса, бу чўзилиш 2,5 санитметрдан ортиб кетмаслиги керак.

«Обуна—92»

ОбуТАГ Сутишидан

ЎҒРИЛИК

Чоршанбадан-пайшанбага ўтар кечаси Тошкент шаҳридаги Қиёмат хола киоскасида ўғрилик содир бўлди. Жиноятчи эшик зулфини эҳтиёткорлик билан бузиб кирган. Уни тиш пастаси, ручка, тароқлар ҳам, тақвим, ойнома ва суратлар ҳам қизитирмаган. Тинтув натижасида маълум бўлишича, чойхонага кирувчи чоллар учун олиб қўйилган пештахта остидаги 8 дона «Ёш ленинчи» ўғирлаб кетилган.

Участковой милиционернинг тадбиркорлиги билан маҳаллада яшовчи ушбу рўзномага обуна бўлмаганлар рўйхати кўздан кечирилди. Қиёмат холанинг гувоҳлик беришича, шу кўчадан ўтадиган бир толиб йигит икки марта «Ёш ленинчи» сўраб келган. Лекин ололмаган...

...Шубҳа қилинган шахс Т. Ҳ. ўз айбига тўла иқрор бўлди. Илгари судланмаганлиги, ёшлиги, мусофирлиги, толиблиги, бир қизга ва... мазкур рўзномага қаттиқ «ошиқлиги» ҳисобга олиниб, ундан 24 сўм 96 тийин жарима ундирилди.



ЧАЙҚОВЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Якшанба куни талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирида ашаддий чайқовчи қўлга олинди. Ўзини Киоскаддин Сотволдиев деб таништирган бу шахс матбуот нашрлари нархи ошаётганидан фойдаланиб рўзнома ва ойнома дўконлари сотувчилари билан ошна-оғайнигарчилик қилиб келган. У баҳоси 10 тийиндан бўлган «Ёш ленинчи»нинг шанба сонини қишлоқлардан келган содда ёшлар — бўлажак толибларга 10 баравар нархда пуллаётганда қўлга олинди.

Олибсотар «1992 йил обуна нархи кўтарилиб кетди. Болачақам кўп. Ночорликдан шундай қилишга мажбур бўлдим», — дея турли баҳоналарни рўкач қилди. Аммо қони қайнаган толиблар уни аяб ўтиришмади. Қаттиқ жазо белгиланди. К. Сотволдиев 15 сутка «Ёш ленинчи» ўқиш бахтидан маҳрум этилди.

ЯНГИ ДЎКОН

Саводхон қишлоғида яшовчиларнинг талаб-истаклари инобатга олинниб, шу ҳафта душанба куни «Ур-йиқит» маҳалласида янги рўзнома ва ойномалар дўкони очилди. Сешанба кунидан бошлаб бу ерда ёшлар рўзномаси ҳам сотила бошланди.

24 та тугма, 10-15 та кўйлак парчаси ва бир ҳовуч танга йиғиб олган фаррош холанинг айтишича, шу куни савдо жуда қаттиқ бўлган. Мамат полвон Азим новчанинг оёғини босиб олиб, бармоқларини эзиб қўйган. Ўқитувчи Шариф аканинг елкаси киосканинг тешигига қисилиб қолган. Ҳушидан кетаёзган иккки аёл рўзнома ҳидлатишгач, ўзига келган.

Бошқа жароҳатланганлар ҳам бор. Уларнинг шахслари аниқланмоқда.

Шу куни қишлоқ оқсоқоллари иштирокидаги йиғилишда шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқилди: етти ёшдан етмиш ёшгача барча қишлоқ аҳлини кейинги йил учун «Ёш ленинчи»га хўжалик ҳисобидан обуна қилиш ва эртаси кундан бошлаб рўзномалар сотиш пайтида ички ишлар бўлими ходимлари, дўхтир, табиб, гипнозчи ва экстрасенслардан навбатчи тайинлаш белгилаб қўйилди.

Воқеалар содир бўлган жойлардан Тўхтамурод ҲАСАНБОЙ хабар қилди.

Расмларни Соҳибжон МИРЗАЕВ чизган.

ТАҲРИРИЯТДАН: Шунга ўхшаш воқеаларга дуч келсангиз ёки... хаёлингиздан ўтса... зудлик билан ёзиб юборинг. Қалам ҳақига кафолат берамиз.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М. АБДУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ОРЗИМАТОВ, З. ОРТИҚХЎЖАЕВ, К. РАҲИМОВ, З. РИҲСИЕВ (масъул котиб), С. РУСТАМОВ, Қ. ЭШМАТОВ, Т. ҲАЙИТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўзнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: ёшлар сиёсати — 32-57-93; иқтисоднёт ва экология — 32-58-47; ишлар — 32-55-96; ижодкор ёшлар фан ва халқ таълими — 32-58-48; тарих ва маданий мерос — 32-58-47; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607. 380,000 нусхада чоп этилади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўзномамиз ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунлари чиқади.

Яна рўзномада кўришгунча!

Ўзбекистон КП МҚ нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.00 га белгиланган. Чоп этиш учун соат 20.00 да имзо чекилди. Буюртма № 5698 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12